

Хозирги ўзбек шеърятининг даргаларидан бири Омон Матжон. Унинг илк шеърый тўплами “Очик деразалар” (1970) номи билан нашр этилган. Шундан буён кирк йиллик ижодий тажриба ва меҳнат фаолиятига эга бўлган шоирнинг “Карвон кўнгириги” (1973), “Куёш соати” (1974), “Драматик дostonлар” (1975), “Ёнаётган дарахт” (1977), “Ярадор чакмок” (1979), “Хаккуш кичкириги” (1979), “Сени яхши кўраман” (1983), “Дарахтлар ва гиёхлар китоби” (1984), “Гаплашадиган вақтлар” (1986), “Минг бир ёгду” (1989), “Ўртамизда биргина олма” (1990), “Одамнинг сояси куёшга тушди” (1991), “Куш йўли” (1993), “Иймон ёгдуси” (1995), “Дийдор азиз” (2011), “Халоскор рух” (2012) каби йигирмага якин шеърый, насрий, драматик китоблари чоп қилинди.

Омон Матжон 1943 йил 14 февралда Хоразм вилоятининг Гурлан туманида тугилди. Унинг отаси – Матжон Жуманиёзов (1905-1976) шу туманда почта бўлимининг бошлиги лавозимида ишлар эди. Онаси – Хотира Эрматованинг (1916-1946) умри жуда қиска экан, ўттиз ёшга тўлганида, тўрт фарзандини чиркилатиб, бокий дунёга рихлат қилади. Ёш Омон онаси вафот этганида, уч яшар гўдак бўлган. Шу боис, Омон ака туккан онаси – Хотира опани тугал эслай олмаслиги табиий хол бўлиб, уни тарбиялаб-ўстирган ўғай онаси – Ўрозбика опа номларини жуда хурмат ва эҳтиром билан тилга олдилар. Омон аканинг вояга етишишида унинг иккита опаси – Гулсара ва Ойимжонларнинг ҳам хизматлари катта бўлганлигини тусмол қиламиз. Минг таассуфлар бўлсинки, Хотира опанинг умри қискалиги, кизлари қисматиға ҳам битилган экан. Бу қисмат кизларига она мерос қолган эканми? Ёки бошқа бир сабабми? Билмадик... Омон аканинг эслашича, катта опаси – Гулсара жуда хушрўй, келишган киз бўлиб, унинг нафис, гоят билимдонлиги, одоби ёш Омон калбини ўзига ром этади. Опасининг мактаб топшириқларини, биргина, она тили ва адабиётдан берилган иншо ва машқларни зўр иштиёқ билан бажаришини кўриб, укаси – Омон ҳам унга эргашиб, олти ёшида қишлоқдаги Оржаниқидзе номидаги ўрта мактабга: “Мен ҳам мактабда ўқийман”, дея ўжарлик қилиб боради ва биринчи синфга ўқишга қабул қилинади. Айниқса, опасининг хуснихати жуда гўзал, саводли, тоза ёзилганлигини Омон ака қувонч ва илиқ хотиралар билан эслади. Опаси – Гулсара боши каттик шамоллаб, шу дард билан гуллаган ўн олти ёшида оламдан кўз юмади. Омон аканинг хотирлашича, кизининг бевақт ўлими отаси – Матжон Жуманиёзовни чуқур қайғуга ботиради, бир кунда сочлари оқариб кетади.

Омон аканинг иккинчи опаси – Ойимжон эса турмушга чиқиб, йигирма олти ёшида бевақт вафот этади. Омон Матжон ота ва онаси бир Зариф аканинг ҳам алоҳида феъли, кизикишлари ва характери хақида гапирдилар. Зариф ака тугма санъат шайдоси бўлсалар-да, тарих фани бўйича мутахассис бўлиб етишади. Зариф ака Самарқанд Давлат университетини тугаллаб, ўша ерда кўним топиб, бугун ҳам ўша ерда оиласи билан умр кечирмокда.

Матжон Жуманиёзовнинг иккинчи турмуш аёлидан тугилган фарзандлари: Собир, Хамро, Қадам акалар бугун ҳам Гурлан туманида хаёт кечиришмокда.

Ёш Омон калбида адабиётга, сўз санъатига меҳру мухаббатнинг уйғонишида, икки опаси ҳамда акасининг ҳам таъсири бўлди, десак янглишмаймиз. Албатта, шоир шахсиятининг шаклланишида, унинг бадий тафаккури, поэтик нигоҳининг камол топишида жуда кўп омиллар, оилавий муҳит билан биргалиқда, устозлар меҳнати, шахсий мутолаа (газета- журналлар, бадий адабиёт мутолааси) ҳам катта аҳамиятга молик. Унинг шоир Хамид Олимжоннинг бувисига ўхшаган эртақчи бувиси, сўзга чечан

энаси йўк эди. Лекин кишлокда халк мутолааси, парихон муллалар, окшомлар уюштирилган шеърхонлик ва дostonчилик анъаналари ёш Омон калбини нурлантириб, йўналиш бергани аниқ. Бу сохир кечалар ва яқинлари, оиласи хақида шоир шундай хикоя килади:

“Менинг катта бобом Хоразмда – Ферузшоҳ замонида – саройда девонбеги бўлганлар. Исми – Эрмухаммад бобо (Гап Омон Матжонни туккан онаси – Хотира опанинг отаси хақида кетаяпти. Таъкид бизники. М.К.) бўлган. Бу тарихий маълумотларни турли мавкели идоралардан истаб, ўрганиб кўрганман. Аммо булар 1917 йил бутун шўро мамлакатига “эврилишлар” оловида ёндирилган, тупрокка кўмилган. Амударёга ташлаб, окизиб юборилган. Бу замон воқеалари хақидаги нолаларим “Икки дарё оралигида” шеъримда бироз акс этган...

...Болалик майли ўзи дунёнинг турли информатив оқимларига ошуфта этади. Эсимда, кишлогимизда чоллар, халфа кампирлар, кўпинча, туркман шоирлари: Муланафас, Махтумқули шеърларини жуда кўп ўқишарди. Бизнинг уйимизда ҳам бу шоирлар шеърятти катта кизикиш ва меҳр билан ўқиларди. Яна шундай кексалар бор эдики, улар кечкурунлари йигилишиб, ашулалар айтишарди. Аёллар эса кечалари мойчирок ёругида кўрак чувишиб, эртақлар айтишарди, халк кўшиқларини куйлашарди. Мен, мактаб ёшига кирмаган бола, бу сеҳрли куй, кўшиқ, эртақларнинг барисини ухлამасдан, кизикиш билан, қандайдир хайрат билан тинглардим. Балки болаликдаги мана шу кизикиш ва хайрат менинг калбимда шеърятга бўлган улкан мухаббат хиссининг илк куртақларини уйготгандир”.

Ёш Омон мактабда ўқувчилар томонидан тайёрланадиган деворий газета ишларига бош-кош бўлади. Газета саҳифасини расмлар, шеърлар билан тўлдирганини Омон ака суҳбатларида таъкидладилар. Ўша йилларда Янгибозорда “Коммунизм учун” район газетаси нашр этиларди. Омон аканинг ўқувчилик йилларида ёзилган “Балик билан чирик тўр” номли илк шеъри шу газетада чоп қилинади. Мазкур шеърнинг яратилиши хақида шоир болалик хотираларини эринмасдан гапириб бердилар. Айтишларича, Омон ака дўстлари билан Амударёдан оқиб келадиган уй олдидан ўтадиган ёпдан (сув йўли, каналдан кичикрок сув йўли Хоразмда ёп дейилади. – М.К.) ёз кунлари балик тутишади. Дарё сувидан ичиб, чанкогини босишади. Ёп ва шу ердаги балик ови хақидаги болалик кунлари натижасида “Балик билан чириган тўр” шеъри ёзилади.

Шеърда тўрга илинган балик ва чириган тўр мулокот килади. Бу услуб ёш Омоннинг болаларча бадиий тафаккури, фантазиясини акс эттирган бўлса, айна пайтда, ўзи англаб-англамаган холда мажозий, фалсафий шеър намунасини яратганлигига гувоҳ бўласиз. Чирик тўр – чириган тузум рамзи бўлса, тўрга илинган балик – собик шўро одами. Чирик тўр баликни тезрок овчига етказмокчи бўлади. Аммо уддабурон, кўркмас балик чириган тўрни доғда колдириб, озодликка интилади. Бу ишнинг уддасидан чиқади ҳам. Шеър хулосаси чуқур оптимизм ва гуманизм гоёлари билан сугорилган. Умуман шеърда ёш шоирнинг ижтимоий муносабатлар, эзгулик ва ёвузлик, туткунлик ва эркинлик ўртасидаги абадий зиддиятлар хақидаги таъсирли ҳукм-хулосаси тимсолли

образларда ўз аксини топган.

Келинг, яхшиси булар хакида шоирнинг ўзларидан эштайлик:

“Биринчи шеърим эсимда, унинг номи “Балик ва чириган тўр” эди:

Балик билан чирик тўр,
Жанжал килди жуда зўр.
Чирик тўр дер: Баликвой,
Ишинг чаток, холинг вой...
Сени ўраб оламан
Ва халтамга соламан.
Овчига етказаман,
Кунингни битказаман.

Бу шеърнинг бошланиш қисми холос, у ёғи эсимда қолмаган. Бу шеър Янгибозор райони газетаси “Коммунизм учун”да чоп этилган. Ўша йиллари Янгибозорда машхур журналист ва шоир Дўстжон Матжон ишларди. У менга шеър ёзиш санъати хакида маслахатлар ҳам берган. Биз бу инсон билан кўп учрашганмиз. У болалар шоири ҳам эди”.

Омон Матжон ота касбини эгаллаш учун мактабни тугатгач, дастлаб, Тошкент Алока институтига хужжатларини топширади. Бир хужжат туфайли, бу олийгоҳ талабаси бўлиш шарафига муяссар бўла олмайди. Сўнгра, шу институт қошидаги Алока билим юртига ўқишга қиради. Бир йиллик тахсилдан сўнг, Гурланга қайтиб келиб, томма-том юриб, кимнингдир телефон симларини, яна кимнингдир радиосини, хуллас, нимаики техника жихозлари бўлса, уларни тузатиб-бузиб, устачилик билан шугулланади. Гурланда монтёрлик вазифасини сидқидилдан бажаради. Радио-техникага, газета-журналга ихлослик унга ота мерос касб эди. Шу боис, радиотехник Анвар образи Омон Матжоннинг “Гаплашадиган вақтлар” шеърини қиссасига бежиз олиб қирилмаган. Китобга, техникага, кашфиётга, билим олишга ўч Анвар Омон Матжонга ўхшаб кетади. Аммо Омон Матжонга ҳаёт бошқачарок кашфиётчиликни инъом этди. Яъни, у техник кашфиётчи эмас, бадиий сўз кашфиётчиси бўлиб етишди. Мазкур қиссадаги кўпгина воқеалар, образларнинг ҳаётини асослари бор.

Шоир ўзининг таълим ва тахсил йиллари, фаолияти хакида шундай хикоя қилади:

“Мен 1961 йилда акам – Зарифнинг маслахати билан Самарқанд Давлат университети филология факультетининг француз тили бўлимига ўқишга қирдим. Аммо иккинчи курсга ўтган йилим армия хизматида чақирилганман. Талабанинг ҳам ҳарбий хизматга чақирилиши тарихий-ижтимоий ҳодиса: чунки, 1941-45 йилларда Иккинчи жаҳон уруши йилларида, ниҳоятда, кўп одамлар, айниқса, эркаклар қурбон бўлиб кетишган. Отамнинг

елкасида урушдан олдинрок авто-авария туфайли содир бўлган жароҳат бор эди, шундан уни фронтга олишмаган.

Шундай килиб, мен, 1962 йилда хизматга кетдим ва, ўша пайтда, Германиянинг Дрезден, Майсен шаҳарларида уч йил харбий хизмат бурчимни ўтадим. Харбий қисмимизда жуда катта кутубхона бор эди. Мен ўйладим: уч йил – минг кун... Хар кун сал бўш колсам, китоб ўқийман. Кўп ўқиш болаликдаги ички кизиқишимга рухий қувват берди. Шеърлар ёзабошладим. У пайтларда, аспирантларга харбий хизмат муддати икки йил эди. Ленинободлик Исокул Тўракулов деган харбий хизматчи-дўстим шеъримдан бир-икки дастасини Тошкентга олиб кетди. У шеърларимни ўша пайтда, “Шарк юлдузи”да ишлаётган устоз Шухратга бериб кетибди. Устоз эхтиромли эътибори билан, бирга ишлашаётган Хусниддин Шариповга ок йўл ёздириб, 1965 йилнинг 6 сон (июнь)ида “Солдат ўйлари” сарлавҳаси билан шеърларимни эълон этишган. Отам битта журнални харбий қисмга жўнатганлар. Мен журнални олдим. Шундай килиб, мен харбий хизматдан шоир Омон Матжон бўлиб қайтиб келдим. Хизматдан қайтишда харбий кийимда “Шарк юлдузи” журнали редакциясига кириб, устоз Шухрат билан учрашдим... Устоз мени кучоқлаб: “А-ай, солдат гонорар олдингми?” дедилар... Мен Хоразмга – уйга – Боголонга эртасига ярим кечаси етиб бордим... Мен устоз Шухратнинг нурли эхтиромларини кўп туйганман...

1965 йилда хизматдан қайтиб келиб, дорилфунунда ўқишни давом эттирдим. Лекин мен энди француз филологиясида ўқишни хохламадим. Харбий хизматда юрган пайтимда қарорим ўзгарди. Ўқишимни ўзбек филология факультетига алмаштирдим.

Университетда менга дарс берган: Воҳид Абдуллаев, Улуг Турсунов, Нуриддин Шуқуров, Қўнгуоров каби азиз зотлар – устозларим бўлганидан фахрланаман.

1969 йилда тахсилни тугатгач, устозларим мени шаҳри азим Тошкентга жўнатишди, бу ерда Навоий кўчасида жойлашган Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлашга имкон, йўл-йўрик беришди.

Бу нашриёт у пайтлар бутун республикада танилган нашр даргоҳи эди. “Навоий – 30”. Деярли, барча йирик босмаҳоналар, газета-журналларга ҳам меҳрли мураббийлар маскани бўлиб, ўша йиллари, Шухрат, Саид Аҳмад, Саида Зуннунова, Кибриё Каҳхорова, Рамз Бобожон, Мирзақалон Исмоилий, Мавлон Иқром, Ҳамид Гулом сингари кўплаб ижодқорларни кўриш бахтига муяссар бўлганман.

1969 йилнинг охиридан бошлаб, то 1986 йилгача мазкур даргоҳда ишлаган давримда, мен учун яна янги нашр академияси эшик очгандай бўлди. Бу ерда, нафакат, улуг устоз Ҳамид Гулом билан ёркин иш фаолиятимиз, улуг ижодқор акаларимиз билан танишув, балки бутун вилоятлар, Марказий Осиёдаги кўплаб ижодқор шоирлар, таржимонлар билан танишув, хизмат жараёни ҳам бўлди...”

Омон Матжоннинг биринчи шеърий тўплами “Очик деразалар”(1970) нашр этилгач, адабий танқидчилик, жамоатчилик унга илик муносабат билдирди. Маълумки, шоир уруш йилларида тугилди, мурғак болалик йиллари уруш ва урушдан кейинги кийин ижтимоий-тарихий даврга тўғри келди. Шу боис, кўп кийинчиликлар, замона каттикликларини бошидан кечирган ёш шоир илк шеърий китобини “Очик деразалар” деб номлади. Сарлавҳага чиқарилган шеър матнига эътибор қаратсак, Омон Матжоннинг ижодий кредоси, бадиий-эстетик аъмоли бор бўйи баста билан кўз олдимизда намоён бўлади. Шоир ўз деразасини, дераза ортидан ёғду, соя, кулги эшитилиб турадиган фаровон, осойишта оила, рухий хотиржам уй, Ватанни орзу қилади. Ёш шоир ўз йўлини излайди, бедор рухий тўлганишларини шеърга солади. Мазкур

тўпламга кирган: “Очик деразалар”, “Шеърият”, “Бошқалардек севишдик биз ҳам”, “Фируза”, “Шар”, “Дўстларим”, “Бугдой” каби ўнлаб шеърларида ёш шоирнинг олам ва одам муносабатларига лиро-романтик, фалсафий, патетик, хиссий тафаккури ўз мухрини босган.

Ижодкор шеърдан-шеърга, фикрдан-фикрга, образдан-образга томон ўсиш ва ўзгаришда давом этди. У бадиий ижодда тиним билмай меҳнат килди.

Китобларининг сарлавҳа – номлари хақида шоир шундай дейди:

“Китобларимнинг номлари кўнглимда, хали асарим чикмай, кўп олдин зохир бўлиб юрар эди. Хозир ҳам...”

“Карвон кўнгироти”. Тасаввур килинг, кадим Хоразм замини, овул-эли. Бу кадимий карвон йўллари диёри...

Хоразмнинг барча шаҳар, кент, овул-кишлокларининг, ҳар бирининг номи жуда кадим пур маъно. Битта Боголонни олинг, Бўзқалъа, Чўболончи, Дўсимбий, Мискин бобо... Амударёнинг “орка” – шимоли “Кирк киз”, “Тупроққалъа”, “Эллиққалъа”...

Мен Навоийнинг асарларини ўқиб-ўрганишларим натижасида, бинобарин, унинг “Хамса”сидан таъсирланиб, “Минг бир ёғду” асаримни яратдим”.

Омон Матжон Ватанимиз тарихи, маданияти, урф-одатлари, фольклорини, ўзга халқлар тарихини чуқур биладиган, бир сўз билан айтганда, катта билим ва тафаккур эгаси. Бу кирралар унинг шеъриятида ёрқин кўринади. Яна Омон Матжон шеърларидаги руҳ шундан иборатки, у кўп дунё кўрган, кўп инсонлар билан танишган, уларнинг ҳаёти, дарду изтиробини чуқур хис этган ижодкор сифатида кўз олдимизда намоён бўлади. Адабиётшунос Умарали Норматов уни: “Омон жаҳонгашта шоир”, деб таърифлаган эди. Омон Матжон шеърларида халқоналик, аллегорик образлилик, ижтимоийлик, насрга ҳос эпик тасвирни шеърий йўлда ифодалаш, фалсафийлик, ҳақиқатпарастлик, давр фожиаларини, инсон дардини дадил айтиш жиҳатлари ёрқин намоён бўлади. Шу маънода, унинг юксак маҳорат, баланд бадиий дид натижаси ўларок, “Гаплашадиган вақтлар” шеърий кассаси, “Пахлавон Маҳмуд”, “Хоразмийнинг тўрт саёҳати ва саккиз башорати”, “Тўгон”, “Ҳаққуш кичкириги” каби драматик, фалсафий, тарихий дostonлари, сўнги йилларда эса “Нажмиддин Кубро” трагедияси, “Тўрабекахоним” насрий кассаси яратилди.

Омон Матжон лирик, лиро-эпик, драматик турнинг турли жанрларида баракали ижод килди. Шу билан бирга моҳир таржимон сифатида ҳам уни яхши биламиз. Жумладан, турли миллат шоирлари: Шиллер, Бодлер, Евгений Евтушенко, Расул Ҳамазатов, Юстинас Марциняквичюс, Шандор Петефи, Берди Кербобоев, Сухроб Тохир, Ибройим Юсуповлар ижодидан таржималар килди.

Зеро, бадиий таржима ҳам алоҳида санъат ҳисобланади. Таржимон билан ўзга миллат ижодқори руҳияти орасида қандайдир уйғунлик, руҳий яқинлик бўлиши лозим,

дейишади таржима назарияси билан шугулланувчи олимларимиз. Ўзининг таржимонлик фаолияти хусусида шоир шундай дейди:

“Таржималарга келсак, мен жуда уста таржимон эмасман. Муайян вақт учун, ижодий жараён рухига бир: “Хорманг!” тарзида кучим етганча Шиллер, Бодлер ва бошқа шоирлардан озгина таржималар килдим. Евгений Евтушенко билан жуда яқин ижодий ҳамкорлигимиз бор. У менинг шеърларимни рус тилига таржима килди. Хатто хонадонимизда бир неча бор меҳмон ҳам бўлган. Жуда яхши эсламан, у билан биринчи марта Тошкентда учрашганимизда шундай деган эди: “Мен минглаб юлдузларни кашф этган буюк мунажжим Мирзо Улугбек тугилган она заминни, унинг одамларини бир кўрсам эди, – деб орзу килардим. – Улугбек, Беруний, Ибн Сино, Ал Хоразмий каби буюклар тугилган юрт одамлари қандай экан? Улар қандай тилда гаплашар экан? Улар қандай миллат экан? – деб кизикар эдим. Нихоят, мен шундай кутлуг заминни кўриш бахтига муяссар бўлдим!” деган эди. Евгений Евтушенко, асли сибирлик. Музлар, қорлар қоплаган бир юртдан...

Таржимонлик иши хақиқатданам машаққатли касб, таржимон билан ўзга ижодкор ўртасида, албатта, рухий боғлиқлик бўлиши шарт. Шу маънода, мен таржима килган шоирларнинг руҳини бир қадар топа олиш керак, деб ўйлайман. Балки, шунинг учундир, улар ўзбек бадиий таржима адабиётида ўз ўрнини топа билди. Хусусан, Евгений Евтушенконинг Ўзбекистондаги энг ишончли таржимони мен бўлиб қолдим. У менга шундай вақолат берди: “Фақат Омон Матжон менинг шеърларимни таржима килсин!” Евгений Евтушенко бир келганида, унинг истаги билан Ўзбекистоннинг гўзал шаҳарларини биргалиқда айланиб чиқдик.

Яна бир гап. Еттинчи-саккизинчи синфларда ўқиб юрган пайтларимда, менда, бир орзу пайдо бўлган эди: “Кани қирк ёшимгача ҳеч қурса ярим дунёни кўриб келсам...” Пирлар ёр бўлди. Шу ниятим амалга ошди. Мен Франция, Америка, Германия, Чехославакия, Туркия, Мўғулистон мамлакатларига, Россиянинг Москва, Свердловск каби шаҳарларига саёҳат килдим. Французларда шундай гап бор экан: “Уч марта Парижни кўрмаган шоир – шоир эмас!”

Эҳтимолки, хорижий мамлакатларга килган сафарларим ҳам бадиий таржимага туртки бергандир...”

Омон Матжон шеърӣ, драматик достонларида тарихий шахслар ҳаётига кўп мурожаат этди. Масалан, Ал Хоразмий, Беруний, Маъмун, Нажмиддин Кубро, Пахлавон Маҳмуд, Хўжа Аҳмад Яссавий, Дравархоним (Тўрабекахоним) каби тарихий образлар қатор драматик достон, трагедия ва қиссаларида акс эттирилган. Тарихий асар яратишда ўзига хос бадиий шартлилик талаблари мавжуд. Ижодкор тарихий фактни, айнан, кўчириб эмас, унга бадиий тўқима образлар кўшиб, воқелиқни ҳаёлан тўқиб тасаввур этиб, тарихий воқелиқни бадиий хақиқатга айлантиришда бир қанча мезонларга таяниши лозим. Масалан, ўтмишни тасвирлаш учун, табиий равишда, ўша давр лексикасини асарда қўллаши, тарихий миллий қолоритни асарнинг рухига сингдириб юбориши лозим бўлади. Қолаверса, тарихий асар фониде замонавий қун тартибдаги муҳим ижтимоий, маънавий-ахлоқий, фалсафий қояларга ҳам жиддий эътибор берилиши лозим.

Омон Матжоннинг “Дийдор азиз” номли янги қитобига иккита тарихий асар қиритилган. Улардан бири Кубровия тарикатининг асосқиси Нажмиддин Куброга бағишланган. Трагедияда Нажмиддин Кубро тимсолида иродаси қучли шахсни қўрамыз. Қолаверса, бу валийтарош, мутасаввуф тимсолида ватанпарвар, миллатпарвар, инсонпарвар шахс

образи мужассамлаштирилган. Ижодкор тез-тез тилга олганидек, Нажмиддин Кубро шартли ерий инъомлару, ерий орзу-истаклардан анча юкорига кўтарила олган зот.

“Нажмиддин Кубро” трагедиясида жиддий танкид этилган маънавий, ижтимоий муаммолардан бири ўша давр мухитидаги хиёнаткорлик, соткинликдир. Ички низолар, адоват-кин, кўра олмаслик, катта истеъдодларни тан олмаслик, кандай бўлмасин уларни маглуб килиш учун бутун бошли миллатни махв этишга муваффақ бўлган худкашлар образи кўрсатиб берилган. Мазкур трагедиядаги салбий иллат, бундан салкам йигирма-ўттиз йиллар олдин яртилган “Беруний”, “Ал Хоразмий”, “Пахлавон Махмуд” драматик дostonларида ҳам ишонарли очиб берилган эди. Демак, Омон Матжон шахс табиатига хос хиёнаткорлик, соткинлик, хасадгўйлик каби салбий иллатларни кизил ип мисоли кўпгина асарларида давомий ўрганади, аёвсиз танкид килади.

“Нажмиддин Кубро” трагедиясининг яратилиши, ижодий жараён лахзалари хакида сўраганимизда, Омон Матжон шундай жавоб бердилар:

“Менинг бу асарни ёзиш хакидаги ижодий режам йигирма йил олдин миямда бор эди. “Дийдор азиз” китобимга янги икки асаримни киритдим. Иккиси ҳам тарихий мавзуда. Ўрта мактабда ўкиб юрган кезларимизда, тарих ўқитувчимиз биз – ўқувчиларни Хивага зиёратга олиб борди. Шунда, муаллимимиз Дўсиммат ака Нажмиддин Кубро билан Тўрабекахоним хакидаги тарихий хикоятларни гапириб берган. Шу хикоятлар менга кучли таъсир килган эди, ўша пайтда. Колаверса, Хоразм тарихини ўрганган рус олими Толстовнинг китобларига суяндим. Умуман, мен, асосан, ижодимда, X-XIII асрлар Хоразм тарихини, шу даврдаги энг машхур, кахрамон деб аташга лойик шахслар хакида ёздим”.

Омон Матжон шеъриятининг асос ўзагини Хоразм нафаси, Хоразм одамлари, Хоразм тарихи, Хоразмнинг қадимий минг йиллик урф-одатлари, Хоразм характери, табиати, иклими бир сўз билан айтганда, Хоразм миллий колорити ташкил этади. Шоир асарларидан Хоразм оханглари уфуриб туради. “Сиз Хоразм заминида тугилганингиздан, гурланлик эканингиздан фахр хиссини туясизми? Гурланликлар кайсар, ўжар одамлар бўлади. Сизнинг табиатингизда ҳам шундай хислатлар борми?” деб сўраганимизда, Омон Матжон шундай жавоб килдилар:

“Хоразмда менга энг катта рахбар ҳам, богчага кетаётган болакай ҳам бари рух гўзаллиги, эхтироми, деб биламан! Ижод ҳам гохида шахмат ўйинини эслатмайдими? Менда унча ҳам шахматчиликка салохият йўқ. Баъзан бир пиёданнинг юриши кифоя! Шохнинг химояси эса асосий гоё!

Мен, албатта, буюклар тугилган она замин Хоразмда тугилганимдан фахрланаман! Унинг хар бир қарич ери, одамлари, янтоги, чўли, суви – хаммаси мен учун бирдек қадрли!

Биласизми, мен, “Хаккуш кичкириги” дostonимга “Гурланликлар” хакида бир афсонани киритган эдим. Умуман, Гурлан ва гурланликларнинг пайдо бўлиши хакида турли тахминлар, халқ афсоналари, чўпчаклар юради, халқ орасида. Шулардан биттаси кўр ва ланг одам хакидаги афсона. Шу афсонанинг мохиятидан келиб чикиб айтадиган бўлсак, гурланликлар уддабурон, ишнинг кўзини биладиган, огир шароитдан, халқ таъбири билан айтганда, “тегирмондан бутун чикадиган” қавм деб ўйлайман. Менда, ўша ота-боболаримнинг характер, фазилатлари бор, албатта...”

Омон Матжон хаёти ва ижодининг асосий қисми шўро замонида кечган бўлса-да, унинг асарларида ўзбек халқининг дарди, изтироби, экологик, ижтимоий, маънавий-ахлоқий

муаммолари айтилган. Масалан, биргина “Гаплашадиган вақтлар” шеърий киссаси бунга мисол. Шоир ҳаёти ва ижодини тадқиқ этган Ж.Жумабоева мазкур киссани “кўп тармокли асар”, У.Норматов эса “мураккаб асар”, деб белгилашган. Унда, ўша пайтларда айтилиши мумкин бўлмаган жуда жиддий муаммолар кўтариб чиқилган.

Жоиз бўлса, “Гаплашадиган вақтлар” шеърий киссаси кат-кат муаммолар, кат-кат фалсафа, кат-кат маънолар мавжуд серкирра асар. “Битта акса урса, ўттизта протокол тузилади”, деган жумла билан собик шўро давридаги дахшатли коғозбозлик, расмиятчилик устидан шоир қахқаха уриб кулади, ўтли калам кучи билан мавжуд ижтимоий иллатни аёвсизларча танқид этади. Киссада англашимча, биографик деталлар билан бир каторда, тарихий воқеалик, тарихий шахслар ҳаёти яширин бир тарзда берилган. Мазкур ўринларга биров аниқлик киритиб беришини шоирдан сўрадик. “Тўрт дарвеш образини яратишдан максатингиз нима эди? Нима учун дарвешларга исм қўймагансиз?”

“Тўғри англабсиз, киссада тўрт дарвеш образи бор. Уларга мен атайлаб исм қўймаганман. Чунки, мен, дастлаб, Аҳмад Яссавий образини яратмокчи бўлганман, шу киссамда. Лекин бу пиримизнинг номлари ҳам, асарларини ўқиш ҳам, уни тарғиб этиш ҳам катъиян ман этилган давр эди. Биласиз, Аҳмад Яссавий бобомиз олтмиш уч ёшга тўлганларида: “Пайгамбаримиздан ортик умр кўришни ўзларига эп кўрмай, ер остига кириб кетганлар! “Гаплашадиган вақтлар” киссамдаги сирли дарвеш, аслида, бу – Аҳмад Яссавий эди.

Мен яқинда, дастлаб чиққан “Очик деразалар”, “Карвон кўнгирог” китобларимни вараклаб: “Шукур, ҳақ бизга кутлуг замонни иноят қилган экан!” дедим ўзимга-ўзим. “Ҳаққуш қичкириги”, “Гаплашадиган вақтлар”, “Карвон кўнгирог” сингари китобларим бугун ҳам дунёнинг турли кўп информ нашрларида фойдаланилаёпти. Мен бу жихатдан жуда бахтли ижодқорман!”

Омон Матжон Тошкентда иш фаолиятини бошлаган даврларида, Навоий – 30 кўчасида, бўлажак рафикаси Максуда Тохирова билан танишиб қолади. У, ўша пайтларда, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетининг кечки бўлимида тахсил олар, шу билан бирга, нашриётда корректор лавозимида ишлар эди. Уларнинг дунёқарашлари, гаплашадиган гаплари, интилишлари, ҳаётга муносабатлари мос тушади. Шундай қилиб, икки ёш турмуш қуришга аҳду паймон қилишади.

1970 йилда Омон Матжон билан Максуда опаларнинг муборақ никоҳ тўйлари бўлиб ўтади. Мана, улар қирк уч йилдан бери бирга умргузаронлик қилишмоқда. Тўрт фарзанднинг ота-онаси. Матжоновлар сулоласи давом этмоқда. Фарзандлари: Райхона, Диёр, Элёр, Назиха. Уларнинг касблари: иктисодчи, техник, шарқшунос (япон тили мутахассиси), психолог.

Дастлаб, нашриётда иш фаолиятини бошлаган Омон Матжон турли тахририят ва даргоҳларда астойдил меҳнат қилди.

Омон Матжон билан суҳбатлашиш учун хонадонларига қадам ранжида қилар эканман, ҳар сафар унинг ижодий лабораторияси билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдим. Унинг ҳаётда, ижодда кўрган-кечирганлари, болалик ва навқирон ёшлик хотиралари билан танишдим. Энг сўнгги маротаба борганимда, адабий жараён учун муҳим бўлган янги бир гап айтиб қолдилар. Шоир шахсий архивида “Ибн Сино” ҳақидаги тайёр сценарий ёзиб тугалланганлигини, аммо уни шу пайтгача, ҳеч қаерда нашр этмаганлигини гапирди. Бир пайтлари Шароф Рашидовнинг ижодий маслаҳати билан шоира Зулфия ҳаёти ва ижоди ҳақида “Садокат” номли либретто ҳам ёзганлигини қайд

этди. Сўнгра, ижодкор янада бир кизик фактни кистириб ўтди. Айтишича, “Куёш соати” шеърий тўплами хажман катта, мазмунан фалсафий лирикага бой бўлган. Аммо нашриётда уни, ниҳоятда, ихчамлаштириб, кўпгина шеърларини олиб ташлаб, чоп этишган.

Бугун Омон Матжон фарзандлар, неваралар ва кизгин ижодий меҳнат кўйнида яшамокда. 1968 йилда яратган “Шеърият” шеърида шоир шундай деган эди:

Шеърият – хамманинг ўзи, ўзлиги!
Шеърият ўзинг-ку, калбдан-калбларга
Эзгуликнинг бекиёс ганжин
Ишонч когозисиз элтиб бергувчи!..
...Мен ҳам шошиляпман сенга, шеърият!
Сен сари кетгувчи улкан кемадан
Факат юкларимга жой топсам, майли.
Шеърият!
Шу ишонч тинчитмас такрор,
Сирли кашфлар сари судрар солимни.
Сенга содиклигим байроги шулки,
Хар гал,
Хар шеъримда,
Хар тепганда калб –
Ўзим ўз калбимнинг бўлсам Колумби.

Ха, атокли шоир Омон Матжон табиий равишда, ўз калбининг кашфиётчиси – Колумби бўлди!

Омон ака сизни илк бор ўзбек халкига танитган “Шарк юлдузи” журнали тахририяти ва мухлисларингизга тилакларингизни изхор этсангиз!

“Юкорида айтганимдек, менинг илк шеърларим, 1965 йил июнь ойида “Солдат ўйлари” сарлавхаси билан “Шарк юлдузи” журналида нашр этилган. Ўша пайтларда, устоз Шухрат, Хусниддин Шариповлар кўп эътибор билан карашган. Бугун ҳам ушбу жонажон журналимиз ижодкорларига, ўқувчиларига юксак рухониятлар тилайман.

Эхтиром ила
Омон МАТЖОН”.

